

АФРОСИЁБ КУЛОЛЧИЛИГИ БУЮМЛАРИНИНГ БАДИИЙ БЕЗАГИ ВА УЛАРНИ ТАЪМИРЛАШДАГИ ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ ЖАРАЁНЛАР

Ахмедов Ровшан Толкунович

К. Бехзод

номидаги Миллий рассомлик

ва дизайн институти ўқитувчиси

VIII асрнинг охири – IX асрнинг бошларида Ўрта Осиёда сирланган кулолчилик пайдо бўлиб, кенг тарқала бошлайди ва IX аср – XIII асрлар бошларида эса юқори бадиий ва техник сифатга эга бўлади. Бу давр, шунингдек ислом дини, сир усули натижасида кулолчиликдаги технологик тараққиётнинг таъсири остида янги безак услубининг вужудга келиши билан белгиланади. Четдан олинган сир ва сирлаш технологиясининг таснифи Ўзбекистон маданияти ва санъатида ўта бой ҳосила берди. IX – XIII асрлар Ўрта Осиё сирланган кулолчилигида безак нақшларининг қуйидаги турлари мавжуд бўлган: геометрик; эпиграфик; ўсимлик; зооморфик; антропоморфик ва б. Идишни безашда эпиграфика ислом эстетикасининг тасдиқланишида ёрқин бир ифода бўлди. Кулолчилик эпиграфика X – XII асрларда Самарқандда (Афросиёб) ҳамда ҳудуднинг бошқа кулолчилик марказларида: Бухоро, Шош, Фарғона, Чаганиан, Марв, Хоразм ва бошқаларда ишлаб чиқарилган кўзаларда мукаммаллашади. Ёзувлар нафақат маълумот берувчи, балки безак элементи вазифасини ҳам ўтаган; ёзувларнинг эстетик хоссалари уларнинг нақшларининг ўзига хослиги билан белгиланган. Кўпинча харфлар ўсимлик нақши, шунингдек қушларнинг думлари ва тумшукларига айланиб қолар ва ёзувларнинг безак шаклига ўтиш жараёнини акс эттирган. 251 X асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд сирли кулолчилиги энг ривожланган даври бўлган. Бу даврда кўрғошинли сир яратилган. Бу эса сирли кулолчиликнинг кенг тарқалишига сабабчи бўлган. IX – X аср бошларида Афросиёбда ишлаб чиқарилган кулолчилик

буюмлари, шу даврда ихтиро қилинган бўёқлар билан нақшланган. Бу даврда янги бўёқлар пайдо бўлган. Нақш қўлланилган, нозик чизиқлар билан расмнинг хошияси чизилган. Ва замин тўлдирувчи бўлиб хизмат қилган. Сопол буюмлар эпиграфик, нақшинкор ва ўсимликсимон безаклар билан безатилган. Шу даврга кулолчилик буюмларида (лаган, ликопча, косаларда) эпиграфик ёзувлар айлана бўйича жойлашади. Кўзаларда баъзан дастаси ёзувнинг бошланиши ва охирини белгилайди. Ёзувларда бошқа безаклар қўлланилмайди. Насхи хатида ёзувлар нуқтали безаклар холида бўлади. Бу ёзувли безаклардан ташқари, нақшинкор ўсимлик бандлар билан ёки уч баргли гулчалар жойлашган ҳолда уйғунлашади. Кулолчилик буюмлардаги эпиграфик ёзувларнинг мазмуни яхшиликка чорлайди. Безак айлана композиция бўйича чизилган. Қизил, тўқ-жигарранг ва тиллалаи – бодомсимон пистоқи бўёқлар нақшинкор безакларни колоритига иссиқлик беради ва уни жонлантиради. Ёзувлар нақшинкор бўлиб, тўлиқ шаклга мос тушади. Ўсимлик нақшларининг кўпи теварак атроф манзаралари: барглар, узум шохлари, лола, гулсапсар, анорлар, писта ва гармдори, “умр дарахти”нинг тимсолий нақши, яъни усталарни ўраб турган бой флора ва фауна олаmidан олинган. Ўсимлик шакллариининг кўплигига қарамай, “ислими” шакли етакчи ўринни эгаллайди. “Ислими” тушунчаси кўпгина услулларда бажарилган гажаксимон баргнинг тасвирини ҳамда майин чизиқларда бажарилган ўсимликлар тасвири назарда тутилади. IX–XII асрлар Мовароуннаҳр сирланган кулолчилигида ҳайвонларнинг тасвири нақш композицияларига – барглар, шохлар, ғунчалар, геометрик чизиқларнинг туташуви сингари нақшларга бўйсунди. Умуман олганда XI асрнинг иккинчи ярмида – XIII асрларда сирланган кулолчиликнинг умумий услубида нақшлар ҳукмронлик қилган. IX-XII асрлар кулолчилик санъатининг мавзу ва услублари эволюциясида мураккаб динамик жараён бўлиб, ушбу даврлар нақш тузиш тизимининг тараққиётини белгилаб берган. IX аср – XIII аср бошида Ўрта Осиё сирланган кулолчилигида аниқ мавзуларнинг эстетикалаш жараёни кўзатилган. Унда безак ноёб нақшга айлантирилган, холбуки, алоҳида мавзулар аввалги сеҳрли ёки муҳим аҳамиятини сақлаб қолади. Исломнинг бевосита таъсири остида ривожланиб, ўрта асрлар безак тизим сюжет ва образлар доирасини кенгайтди. 252 Мусулмон безак системаси исломни қабул қилган

маҳаллий халқларнинг анъаналари ҳисобига бойиди [С.Алиева: 1:17] Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Самарқанднинг IX-XIII асрлар Афросиёб сирли кулолчилиги ўзининг катта ривожига эга бўлган. Хусусан кулолчиликда қўлланилган эпитафик ёзувлар бўйича илмий ишни мавзу қилиб олиниши ва уни амалда ўша давр Афросиёб сирли кулолчилиги технологияси бўйича амалий тарзда таъмирланиши мазкур илмий ишнинг янгилигини ва ҳозирги кун учун долзарб аҳамиятга эгалигини кўрсатиб турибди. Ушбу мақола ўз ичига кенг миқёсдаги илмий тадқиқот ишини ёритишни мақсад қилиб олган ҳолда келгусида шу йўналиш бўйича яратилган ноёб Афросиёб сирли кулолчилиги доирасида яратилган буюмлар ва ҳозирда дунёнинг кўплаб музейларида сақланаётган намуналари асосида уларни таъмирлаш, тиклашга бўлган интилишни ёритишни назарда тутган. Хусусан, Афросиёб сирли кулолчилиги анъаналарини қайта тиклаш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, “Учинчи ренессанс”ни барпо этувчи ёш авлодларга етказиш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алиева С.Ш. IX-XXI аср боши ўзбекистон сирланган кулолчилиги ривожланишининг асосий босқичлари ва бадиий хусусиятлари. Санъатшунослик фанлари доктори (DSc) дисс. автореф. – Т.: 2018.
2. Тошхожаев Ш.С. Самарқанднинг IX-XIII аср бошлари сирли кулолчилиги. – Т.: Фан, 1967. – 156.